

THE SIGNIFICANCE OF ROLE GAMES IN FORMING GENDER TOLERANCEDOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.67.54.031>**Kurbonova Guzal,***2nd year doctoral student at Bukhara State University*

Abstract. This article discusses one of the most effective technologies in the formation of gender tolerance among preschoolers - role-playing games. The article created several role-playing games on the topic and provides methods for their implementation.

Keywords: gender tolerance, preschool education, role-playing games, gamification, gender roles.

**ЗНАЧЕНИЕ РОЛЕВЫХ ИГР В ФОРМИРОВАНИИ ГЕНДЕРНОЙ
ТОЛЕРАНТНОСТИ****Гузал Курбонова,***докторант 2 курса Бухарского государственного университета*

Аннотация. В данной статье рассматривается одна из самых эффективных технологий в формировании гендерной толерантности у дошкольников - ролевые игры. В статье создано несколько ролевых игр по теме и приведены методика их проведения.

Ключевые слова: гендерная толерантность, дошкольное образование, ролевые игры, геймификация, гендерные роли.

**РОЛЛИ ҶИИНЛАРНИНГ ГЕНДЕР БАҒРИКЕНГЛИКНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ****Қурбонова Гўзал,***Бухоро давлат университети 2-босқич докторанти*

Аннотация. Мазкур мақолада мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида гендер толерантлигини шакллантиришида самарали бўлган рехнологиялардан бири – ролли ўйинлар ҳақида фикр юритилган. Мақолада мавзуга оид бир нечта ролли ўйинлар яратилган ҳамда уларни амалга ошириш методикаси берилган.

Калит сўзлар: гендер толерантлиги, мактабгача таълим, ролли ўйинлар, геймификация, гендер роллар.

Мактабгача таълим муассасасида қайси ўйинларни қўллаш мумкин ва улар боладаги гендер толерантликнинг қайси хусусиятини шакллантиради? Мазкур саволга жавоб топши мақсадида юкорида келтирилган ўйин технологияларидан бир нечтаси танлаб олинди ҳамда таҳлил қилинди.

Ўйин технологияларини қўллаш орқали гендер толерантликка хос хусусиятларни шакллантириш

| № | Гендер толерантлигини аниқловчи меъёрлар | Ўйин тури | Хусусиятлар |
|---|-------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Қатъиятлилиқ | Ролли ўйинлар | Гендер масалаларига оид вазиятни эмоционал англаш, вазиятни тўғри баҳолаш, ўзини тута билиш, вазият билан боғлиқ эмоционал зиддиятли ҳолатларни бартараф эта олиш, ташқи ҳолат ва таъсирларга нисбатан ўзини тўғри тутиш |
| 2 | Интилувчанлик | Ролли ўйинлар. Эртақ-терапия | Ўзини тутишда маълум гендер меъёрларнинг қўллашини билиш ва қабул қилиш, ўз нуқтаи назарини салбий таъсирлардан ҳоли эта олиш, гендер мулоқотларга доимий тайёрлик, ташқи вазиятлар таъсирига гендер толерантлик тамойиллари асосида қарши тура олиши ва ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилиш |
| 3 | Мустақиллик, гендер ролларига эркин муносабат билдира олиш | Эртақ-терапия. Арт-терапия. Танқидий тафаккурни шакллантирувчи ўйинлар | Тартиблилик, қатъиятлилиқ, ўзига ишонч, гендер конфликтлардан мустақил чиқиб кета олиш, зиддиятлардан чиқишда гендер толерантлик тамойилларини қўллай олиш, уларга доимий равишда риоя этиш, ўзини тута олиш, ўз ҳаётидаги гендер роллари билан мулоқотлар ва муносабатларни тўғри ташкил этиш |
| 4 | Шахсий фикрга эгаллик ва ўз ортидан бошқаларни эргаштира олиш [1] | Ролли ўйинлар. Эртақ-терапия. Арт-терапия. Танқидий тафаккурни шакллантирувчи ўйинлар. | Ўз фикрларини гендер толерантлик асосида илгари суриш ва бошқаларни ҳам ўз фикриша ишонтра олиш, гендер мулоқот ва таъсирлар учун очиқлик, бошқа жинс вакилларига ҳурмат ва эъзозли муносабат, диний, маданий, дунёвий бағрикенглик тамойилларига риоя этиш, гендер тафаккурининг аниқлиги, ўз карашларига танқидий ёндаша олиш, ўзга жинс вакилларнинг яхши таъсирини қабул қила олиш, бошқа жинс вакилларига бўлган адолатли, эҳтиром билан муносабат орқали ҳурматга сазовор бўлиши |

Мазкур мақолада гендер толерантлигини шакллантиришда самарали бўлган бир нечта ролли ўйинлар [2, 3, 4, 5, 6], эртақлар, арт-терапияга асосланган материалларни келтириб ўтамыз.

Ролли ўйинлар. “Доктор ва бемор” ўйини.

Ўйиннинг мақсади: болада жинсий таниш, жинсий тааллуқлилиқ ҳамда касбларнинг

жинсга доир ўзига хосликларини шакллантириш.

Ўйинни ўтказиш учун зарурий педагогик шарт-шароит: кулай, ўртача илик ҳароратдаги ёруғ хона.

Керакли воситалар: беморни ўтказиш ёки ётиши учун стул, ўрин, оқ халат, ўйинчоқ фонендоскоп, ўйинчоқ шприц, тиббиёт анжомлари, бемор учун реалликка максимал яқинлаштирилган ҳолатни таъминловчи кийим, компьютер, қоғоз, маркелар, ручка, қалам.

Ролларнинг тақсимланиши: карточкаларга “шифокор”, “бемор”, “ҳамшира”, “фаррош”, “беморнинг онаси”, “беморнинг отаси”, “беморнинг опаси” роллари ёзилди ва тескари тарзда ёзув кўринмайдиган қилиб столга ёйиб қўйилади. Болалар тарбиячи-ўқитувчи назорати остида карточкаларни тортадилар. Кимга қайси рол тушган бўлса, мазкур ролга мос хатти-ҳаракатлар ва вазифаларни бажарадилар. Болаларда роллар билан боғлиқ мураккабликлар туғилган вазиятда, тарбиячи-ўқитувчи ролга аниқлик киритади.

Ўйиннинг афзалликлари: бола ўз жинсий мансублигидан қатъий назар, ўзига тақсимланган ролша тааллуқли вазифалар ва хатти-ҳаракатларни бажариш асосида жинсий ўзига хосликларни англайди, шу билан бирга, ҳар бир жинс эгаси учун англаш, тушуниш ва изоҳлаш мураккаб бўлган ҳолатларни ўз бошидан ўтказди.

Ролларга бўлиб берилган вазифалар (роллари болаларнинг жинсига кўра танланишдан келиб чиқиб, иккинчи марта қарши жинсга ўзгартириш мумкин, масалан, бемор роли ўғил болага, шифокор роли қиз болага тушган тақдирда, кейинги ўйинда беморни қиз бола, шифокорни ўғил бола ўйнаши мумкин):

Бемор. Қайси жинс вакили бўлишидан қатъий назар, саломатлигидан шикоят қилади, рол бўйича кўрсатилган “оғриётган” аъзоларини кўрсатади.

Шифокор. Қайси жинс вакили бўлишидан қатъий назар, саломатлигидан шикоят қилаётган “бемор”ни текширади, рол бўйича кўрсатилган “оғриётган” аъзоларни диагностика қилади, фонендоскоп билан “эшитиб” кўради ва ҳоказо.

Ҳамшира. Беморга шифокор кўрсатмасига асосан “томчи дори, ёнбошдан инъекция” қилади, “тахлил” учун кон олади (бу ерда барча амаллар имитацион йўл билан бажарилади).

Беморнинг онаси. Қайси жинс вакилига рол тушишидан қатъий назар, “бемор боласи”га ғамхўрлик қилади, ҳамдардлик билдиради, шифокордан боласини даволашни ўгинади.

Беморнинг отаси. Қайси жинс вакилига рол тушишидан қатъий назар, “бемор боласи”га оталарча ғамхўрлик қилади, молиявий масалаларни ҳал қилади (масалан, дорихонага чиқиб дори олиб келади).

Беморнинг опаси. Қайси жинс вакилига рол тушишидан қатъий назар, “бемор укаси ёки синглиси”га опаларча ғамхўрлик қилади “овқат едиради, кийимларини тузғрилайди” ва ҳоказо.

Фаррош. Қайси жинс вакилига рол тушишидан қатъий назар, палаталарни тозалайди, ахлатларни олиб чиқади, чанглари артади ва ҳоказо.

Қутилаётган натижа: Мазкур ўйин орқали болалар ҳам касбий, ҳам ижтимоий-психологик қизиқишларини, ўзларининг жинсий мансубликларини ёрқин англайдилар. Шунингдек, ўйин болаларга гендер ролларининг вазифалари, гендер ўзига хосликларни чуқур англашга, келажакда гендер мутаносибликни тўғри қабул қилишга, гендер толерантлигини тушунишга ёрдам беради [8].

“Меҳмондорчилик” ўйини.

Ўйиннинг мақсади: болада жинсий таниш, жинсий тааллуқлилиқ ҳамда ижтимоий муносабатларнинг жинсга доир ўзига хосликларини шакллантириш.

Ўйинни ўтказиш учун зарурий педагогик шарт-шароит: кулай, ўртача илик ҳароратдаги ёруғ хона.

Керакли воситалар: меҳмон кутиш учун стол-стул, ўрин, ўйинчоқ идиш-товок,

ошхона анжомлари, рол эгалари учун реалликка максимал яқинлаштирилган ҳолатни таъминловчи кийим-кечак, телевизор, қоғоз, маркер, ручка, қалам.

Ролларнинг тақсимланиши: карточкаларга “меҳмон”, “уй эгаси”, “уй бекаси”, “меҳмоннинг қизи”, “меҳмоннинг ўғли”, “уй эгасининг қизи”, “уй эгасининг ўғли” роллари ёзилади ва тескари тарзда ёзув кўринмайдиган қилиб столга ёйиб қўйилади. Болалар тарбиячи-ўқитувчи назорати остида карточкаларни тортадилар. Кимга қайси рол тушган бўлса, мазкур ролга мос хатти-ҳаракатлар ва вазифаларни бажарадилар. Болаларда роллар билан боғлиқ мураккабликлар туғилган вазиятда, тарбиячи-ўқитувчи ролга аниқлик киритади.

Ўйиннинг афзалликлари: бола ўз жинсий мансублигидан қатъий назар, ўзига тақсимланган ролга тааллуқли вазифалар ва хатти-ҳаракатларни бажариш асосида жинсий ўзига хосликларни англайди, шу билан бирга, ҳар бир жинс эгаси учун англаш, тушуниш ва изоҳлаш мураккаб бўлган ҳолатларни ўз бошидан ўтказади [7].

Ролларга бўлиб берилган вазифалар (роллари болаларнинг жинсига кўра танланишдан келиб чиқиб, иккинчи марта қарши жинсга ўзгартириш мумкин, масалан, меҳмон роли ўғил болага, мезбон роли қиз болага тушган тақдирда, кейинги ўйинда меҳмонни қиз бола, мезбонни ўғил бола ўйнаши мумкин).

Шу каби яна бир нечта “Сантехник” ўйини, “Ишхона” ўйини, “Менинг оилам” ўйинлари ишлаб чиқилди, улар ҳақида ишимизнинг илова қисмида тўлиқ маълумот берилган.

Ахборотлашган жамиятда аввалги аср вакиллари, яъни бошқа дунё реалликлари [9, 10, 11], қадриятлар тизимига кўниккан авлод вакилларида ўйинлар, видеоўйинларга салбий қараш стереотип сифатида шаклланиб улгурган [12]. Бу жараёнда баъзан ўйинларнинг таълимий аҳамияти ҳақида сўз юритилганда ҳам мазкур догматик стереотипларни ўзгартириш мушкул. Лекин тарбия ва таълимда ўйин технологияларидан фойдаланиш мактабгача таълим муассасаси таълим жараёнини ҳақиқий саргузаштга айлантириши мумкин. Бундан ташқари, ўйинларни нафақат гендер толерантлигини шакллантириш, балки бўлажак бошланғич синф ўқувчиси учун асосий фанлар бўлган алифбе, ўқиш, математика, жисмоний тарбия каби ҳар қандай фанга тадбиқ этиш, исталган мавзуга қўллаш мумкин.

REFERENCES

1. Ponomarev, A., (2020). Schoolchildren participate in role-playing games right during the lessons. www.oblgazeta.ru.
2. Kholbekov, M., (2008). Tolerance means forbearance, <https://ziyouz.uz/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/muhammadjon-xolbekov-tolerantlik-bagrikenglik-degani-2008/>.
3. Shalin, V.V., (2000). Tolerance (Cultural norm or political necessity). Rostov in Don.
4. Ernazarov, D., (2020). The role and importance of the principles of political tolerance in public policy. ACTA NUUZ. 1(2/1), 167.
5. Makarenko, V.P., (1998). Russian power. Rostov an Don,.
6. Shustova, L.P., (2015). Schoolchildren’s Gender Tolerance: Theory and Practice of Education (Practice-Oriented Monograph), International Journal of Experimental Education, 5(2), 214-216; URL: <https://expeducation.ru/ru/article/view?id=7584>.
7. Qurbanova, G.R., (2021). The concept and essence of Gender Representations in Pedagogy and Psychology. Middle European Scientific Bulletin, 10. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.10.357>
8. Kurbonova, G., (2021). Features of The Formation of Gender Tolerance in Society. Online - Conferences Platform, 69–71. Retrieved from <http://papers.online-conferences.com/index.php/titfl/article/view/592>